

Институт ректорининг
_____ 2005 йил _____ сонли
буйруғи билан тасдиқланган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

«КАСБ ТАЪЛИМИ ВА ПЕДАГОГИКА» КАФЕДРАСИ

«ПЕДАГОГИКА»

фанидан услубий кўрсатма
(Барча бакалавр йўналишлари учун)

ЖизПИ илмий услубий
кенгашида тасдиқланган
« ___ » мажлис баёни
« ___ » _____ 2005 йил

Жиззах-2005 й

КИРИШ

Ҳозирги кунда педагогика табиатнинг олий маҳсули инсоннинг маънавий амалий шаклланиши, унинг шахс сифатида ривожланиши, комил инсон шаклланиш қонуниятларини, мутахассислик асосларини ўргатувчи устувор фанлардан бирига айланди.

Инсоният ўзлигини англашга янгича ёндашиш фақат унинг ўзига, жамиятга, табиатга муносабатларида илмий-амалий, ислоҳий ўзгаришлар содир бўлиб, у янгича фикрлаш асосларини эгаллашга қадам қўйди. Шу тариқа инсоният тараққиётида янги сифат ўзгаришлари юз бераётганининг шохиди бўлмоқдамиз. Педагогиканинг методологик асосланишидаги ўзгаришларни талабалар яхши эгаллаб, янгича фикрлаш асосларини яхши эгаллашлари, бой тарихий-тарбиявий меросни ватанимиз ва хориж педагогларининг илғор тажрибаларини ўрганиб, замонавий, маънавий-инсоний ва ижодий-маҳсулий сифатларини ўзларида шакллантиришлари лозим.

Бакалавр Педагогика фани бўйича:

- Таълим тарбиянинг устуворлиги, ижодий, амалий, миллий йўналганлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим;
- Ўз касбий соҳасида мўътадил маънавий-инсоний муносабатлар ўрната олишни билиши керак;
- Ҳар бир инсон ҳобилятининг нодир ва бетакрорлигидан фойдаланиш қўникмасига эга бўлиши лозим.

Мазкур Педагогика фани бўйича ўқув-услубий кўрсатма талабаларни таълим-тарбиянинг услубларини, замонавий шаклларида ўз фаолиятида фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга услубий кўрсатмада маъруза ва амалий машғулот режалари, ўрганишга доир фойдаланиладиган асосий адабиётлар рўйхати, ҳар бир маърузага доир асосий таянч иборалар, ўз- ўзини текшириш учун саволлар ва топшириқлар батафсил келтирилган.

Муаллиф ушбу ўқув-услубий кўрсатмани ўқув жараёнини фаоллаштиришнинг муҳим омили сифатида хизмат қилади деб умид билдиради.

**1- мавзу. ПЕДАГОГИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ
(2 соат)**

МАЪРУЗА РЕЖАСИ

1. Жамят ва олам ривожда педагогиканинг моҳияти.
2. Жамят ва оламнинг гармоник мувозанатида инсон омили.
3. Педагогиканинг объекти ва предметининг такомиллашганлиги.
4. Педагогиканинг мақсад, вазифалари ва асосий тушунчалари (категориялари).
5. Миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантиришда педагогиканинг тутган ўрни.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни Т. 1997й.
2. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” Т. 1997й
3. И.Каримов “Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” т.1997й
4. И.Каримов “Донишманд ҳалқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман” Т.2000й
5. Ўзбек педагогикаси тарихи (қўлланма А.Зуннунов таҳрири остида) Т. “Ўқитувчи”. 1997й
6. Педагогика (қўлланма А.Мунавваров таҳрири остида) Т. “Ўқитувчи” 1996й
7. Педагогика (қўлланма А.Ильина таҳрири остида) М.1984 й
8. Очилов М. Университетлар тизимида педагог ходимлар тайёрлаш муаммолари. “Таълим ва тарбия” журнали. 1997й 5-6 сонлар.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Маънавият- инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, рухий, интеллектуал фазилатлар мажмуаси.

Тарбия- шахсни муайян йўналишда шакллантириш, камол топтириш мақсадида турли одамларнинг бир-бирига таъсир кўрсатадиган ижтимоий муносабатдир.

Таълим- инсониятни илмий билимлар, ҳаёт учун зарур бўлган кўникма ва малакалар билан қуроллантириш қобилиятларини ўстириш, тафаккурларни шакллантириш.

Педагогика фанининг предмети- ўқитишнинг таълим-тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутахассисларни қуроллантирувчи фан.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Педагогика тушунчаси ва унинг вазифаси нима?
2. Тарбия босқичларини айтиб беринг?
3. Тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлигини изоҳлаб беринг.
4. Педагогика фани қачон фан сифатида шаклланган?
5. Педагогиканинг бошқа фанлар билан ҳамкорлиги ҳақида тушунча беринг.
6. Педагогика фанлар тизими-деганда нимани тушунасиз?

**2-мавзу. МИЛЛИЙ ҒОЯ, МИЛЛИЙ МАФҚУРАНИ ТАРБИЯЛАШДА
ПЕДАГОГИК ИМКОНИАТЛАР**

(2 соат)

МАЪРУЗА РЕЖАСИ.

1. Инсоннинг фикр, фаолиятда эркин ва озодлиги.
2. Инсоннинг нодир ва бетакрорлиги.
3. Инсоннинг эркин, озодлиги, нодирлигини таълим тарбияда, касб мутахассислигида таъминланиши.
4. Ихтисосликни эркин танлаш.

5. Инсон шаклланишининг ирсий, биологик, физиологик асослари.

ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т. “Ўзбекистон”1998 й 688 бет
2. Каримов И.А. “Баркамол авлод орзуси” Т. “Шарк” 1999й -181 бет
3. Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т. “Шарк” 1997й 31 бет
4. Имом ал-Бухорий. Хадис. 4 томлик. комуслар бош тахририяти. Т . 1997й
5. Абу Абдунаим ибн Рахим ал-Бухорий. “Баркамоллик, махсулдорлик ва тараққиёт калити” Т. “Университет”. 1995-32 б.
6. Ўзбек педагогикаси тарихи. (қўлланма, проф. А.Зуннунов тахрири остида). Т.”Ўқитувчи”. 1997й.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Виждон- инсоннинг қалб амри билан бажарган ишларининг (фаолиятининг) рухий мезонидир.

Инсон онги- унинг идроки, ақли орқали ҳаётий ва дунёвий ҳақиқатни фахмлаш асосида маънавий истиқболли фаолият даражасидир.

Фахмлаш- англаш-бирор ҳақиқатни қалбан руҳан фикрий сезиш.

Инсон фикри- ўз онги ва идроки асосида ҳаётий ҳамда дунёвий нарсалар жараёнлар ҳақида мушоҳадавий фаолият.

Ақл- кишининг ўз идроки, қалби ва фикр асосида дунёвий, ҳаётий, ҳақиқатларни англаш ва уларга ўз фаолиятида маънавий-инсоний нуқтаи-назардан амал қилишдир.

Инсон қалби- шахс онг, маънавият узвийлиги асосида инсонни ҳиссий ва амалий фаолиятга ундовчи куч.

Инсон руҳи- инсонни ҳар қандай тўсиқлардан олиб ўта оладиган, уни улуг эзгу ишларга бошловчи маънавий қувват.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Миллий ғоя нима?
2. Миллий мафкура нима?
3. Инсон қадри деганда нимани тушунаси?
4. Магистратура нима?
5. Ихтисосликни эркин танлаш деганда нимани тушунаси?
6. Маънавий жавобгарлик ҳақида тушунча беринг.
7. Инсоннинг ўзига хослиги сифатларини айтиб беринг.

3 мавзу. ТАРБИЯДА ШАХС РИВОЖИНИНГ ГЕНЕТИК, ФИЗИОЛОГИК ВА ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. (2 соат)

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР РЕЖАСИ

1. Шахс ривожини ҳақида тушунча.
2. Шахсни ривожлантирувчи асосий тамойиллар.
 - а) биологик омил
 - б) социал (ижтимоий) омил
3. Ривожланишда шахс фаолиятининг роли.
4. Шахсни камол топтиришда тарбия ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги.
5. Ривожланишда шахснинг ёши ва ўзига хос хусусиятларининг роли.

ФЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов “Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Т.1988й
2. Турсунов И. Нишоналиев У. “Педагогика” Т. 1988й
3. ғозиев Э. “Психология” (ўқув қўлланма) Т. 1994й
4. Воспитание и развитие детей в процессе обучения. М. 1981г

5. Педагогика (маърузалар матни. проф. И. ғайбуллаев таҳрири остида) Т. “Университет”. 1999й.
6. Педагогика. (қўлланма. А.Мунавваров таҳрири остида) Т. “Ўқитувчи” 1996й.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Муҳит- бу шахсга таъсир этувчи ташқи воқеа ва ходисалар йиғиндиси.

Ирсият- боланинг насл насаби.

Ривожланиш жараёни- бу бир қанча омиллар таъсирида содир бўлади. Булар ирсият, яъни биологик омил ҳамда муҳит, таълим ва тарбия, шахс фаоллиги (ижтимоий омил) шахсни шакллантиришнинг асосий омиллари деб тушунилади.

Тарбия- маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир.

Шахс- тирик организм бўлиб хаёти давомида мураккаб ривожланиш жараёнини бошидан кечирган маълум ижтимоий тузумнинг маҳсули.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Инсоннинг шаклланишида ирсият, биологик муҳитнинг роли нималардан иборат?
2. Тарбияда миллий ғоя ва миллий мафкура ҳақида тушунча беринг.
3. Тарбияга таъриф беринг.
4. Тарбияда болаларнинг психологик ва физиологик даврларга бўлинишини айтиб беринг.
5. Тарбияга таъсир этадиган муҳит, муҳитнинг турлари ҳақида тушунча беринг.

4-мавзу. ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН ВА МУТАХАССИСЛИК. ПЕДАГОГИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ (2 соат) МАЪРУЗА РЕЖАСИ

1. Тарбия жараёнида миллий онгнинг шаклланиши.
2. Тарбия жараёнининг ўзига хос томонлари.
3. Илмий-педагогик тадқиқот услубларининг илмий манбаларни ўрганишдаги ўрни.
4. Илмий-тадқиқот усуллари.
5. Педагогик тараққиёт манбалари.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.1997й
2. Каримов И.А. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т. 1997й
3. Ўзбекистон Республикаси Таълим туғрисидаги қонуни. 1997й
4. ғайбуллаев Н.Р. ва бошқалар. Педагогика Т.1999й
5. ғайбуллаев Н.Р. ва бошқалар. Педагогика (Барча бакалавр йўналишлари учун). Т. 2000й
6. Хофизова З. О всемирной конференции ЮНЕСКО Вўсшее образования в XXI веке: подходу и практические меру.
7. ғайбуллаев Н.Р. Ташаббус давр талаби. Т.2000й.
8. Ждаркин Л.П. Педагогические обучающие технологии. 92 стр.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Сухбат методи- Сўрашнинг бир тури бўлгани ҳолда, тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўршини талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосита алоқада бўлиш вақтида оғзаки сухбат тарзида, сухбатдошининг жавобларини ёзмасдан эркин муомала формасида қўлланилади.

Тест синовлар методи- бу ёзма жавобларнинг оммавий равишда йиғиб олиш методидир.

Мактаб хужжатларини таҳлил қилиш усули- бунда ўқувчиларнинг умумий миқдори. Унинг ўсиши ёки камайиш сабаблари тавсифи, ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш даражасига рағбатлантириш ёк жазолаш чоралари турларига, мактабнинг моддий базасига эътибор берилади.

Эксперимент- тажриба синов усули- ушбу тажриба асосан таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадқиқи жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Статистик маълумотларни таҳлил қилиш усули- халқ таълими соҳасидаги жумладан, ажратилган маблағларнинг доимий ўсиб бориши, дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўргазмалар куруллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, мактаб қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар статистика усули орқали аниқланади.

Математика ва кибернетика усуллари- ўқитиш назарияси, амалиётида ҳисоблаш математикаси ва кибернетикаси машиналари ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга таржима, дастурли таълим ва уни машина орқали бошқариш, ўқитишни мустаҳкамлаш, баҳолаш орқали таълим тарбия самарадорлигини ошириш дифференциал ва индивидуал таълим бериш, мактаб ҳисоботини машиналар ёрдамида тузиш каби жараёнлардир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Педагогик жараённинг ўзига хос томонларини айтиб беринг.
2. Педагогик илмий тадқиқот услубларининг илмий манбаларни ўрганишдаги роли ҳақида тушунча беринг.
3. Педагогик жараён ва ихтисослик деганда нимани тушунасиз?
4. Педагогик кузатиш деганда нимани тушунасиз?
5. Сухбат методи. Сўровнома, тест усулини тушунтиринг.
6. Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усулини тушунтиринг.
7. Математика-кибернетика усулини тушунтиринг.

5 мавзу. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ. ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИ (2 соат) МАЪРУЗА РЕЖАСИ

1. Шахс ривожланиши ҳақида тушунча.
2. Тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари.
3. Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли.
4. Тарбия усуллари ва принциплари.
5. Тарбия жараёнида ўқитувчи тараққиётининг хусусиятлари.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.1997й
2. Каримов И.А. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т. 1997й
3. Ўзбекистон Республикаси Таълим тугрисидаги қонуни. 1997й
4. ғайбуллаев Н.Р, Ёдгоров Р, Ждаркин Л.П, Тошмурадова К. Ва бошқалар. Педагогика. Униеврситет. 1999й.
5. ғайбуллаев Н. ва бошқалар Педагогика. (Барча бакалавр йўналишлари учун). 2000й.
6. Иномов Р., Тошмурадова К. Педагогика фани XXI асрда. Т. 2000й. Янги аср авлоди нашриёти.
7. Турсунметов К, Ахмедов Ш. Ўқувчилар билимини синашнинг баъзи бир муаммолари.
8. ғайбуллаев Н.Р. Ташаббус-давр талаби. 2000й
9. Хафизова З. О всемирной конференции ЮНЕСКО. Вўсшее образования в XXI веке: подходу и практические меру.
10. Мунавваров А.К. Педагогика. Т. Ўқитувчи. 1996й

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Тарбия- маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир.

Метод- юнонча атама бўлиб,-айнан нимагадир йўл, усул орқали эришиш йўлини билдиради.

Жазо- бу боланинг нотўғри қилган ишига икром қилдириш.

Уят- бу инсоннинг энг нозик сезгиси бўлиб, ўқувчини ўртоклари билан жамоа орасида изза қилиш (уялтириш) энг юқори жазо ҳисобланади.

Тарбияланганлик- миллий урф- одатимиз мезонига кирмаган, ўзгаларнинг нафратини кўзгатадиган ҳатти-харакатлардан ўзини тия билиш.

Адолат- ҳаётий масалаларни ахлокий ва ҳуқуқий нормаларга риоя этган ҳолда ҳал этишдир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Тарбиянинг сўз орқали ифодалаш усулини тушунтиринг.
2. Тарбиянинг кўргазмалилик усулини айтиб беринг.
3. Тарбиянинг амалий, намуна усулини тушунтириб беринг.
4. Тарбиянинг рағбатлантириш ва жазо усулини тушунтиринг.
5. Тарбияда жазо турларини тушунтиринг.

6 мавзу. АХЛОҚ, ОДОБ ВА ХУЛҚ ТАРБИЯСИ

(2 соат)

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР РЕЖАСИ

1. Адолат асосида қурилган жамиятнинг келажаги буюқдир
2. Инсон комиллиги мезонлари.
3. Комил инсоннинг маънавий сифатлари.
4. Маънавий манбалардаги инсонпарварлик ғояларининг тарбиявий аҳамияти.
5. Шарқ маданияти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари.

ҲОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.1997й
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси Т.1999й
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бусағасида . Т.1997й
4. Каримов И.А. Туркистон газетаси мухбирининг саволларига жавоблари 1998й 3 февраль
5. Юсупов Э. Маънавият асослари. Т. 1998й
6. А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ Т. Ўқитувчи 1992й 160 бет
7. А.Навоий Махбуб ул-қулуб. Т. 1983й 112 бет.
8. Иброхимов А. (муаллифдош). Ватан туйғуси. Т.1997й
9. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. Т. Фан. 1993й, 105 бет
10. ғозиев Э. Тафаккур психологияси. Т. 1990й 184 бет
11. ғозиев Э. Педагогик психология асослари Т. Университет 1997. 80 бет
12. Кайковус. Кобуснома. Т. Ўқитувчи 1994й 173 бет.
13. Мунавваров А.К. Педагогика. Т. 1996й
14. Турсунов И. Нишоналиев У. Педагогика курси Т. 1997 й.
15. Ўзбегим Ватан сериясидан Т. Шарқ 1992й
16. Каюмов А. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино Т. 1987й

17. Паҳловон Махмуд. Рубоийлар. Т. 1979й 88 бет.

АОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Адолат- ҳаётий масалаларни ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларга риоя этган ҳолда ҳал этишдир.

Одоб- ҳар бир инсоннинг ўзига бир инсон ёки жамоа билан бўлган мулоқотида ҳам юриш-туришда ўзини тута билишидир.

Хулқ- одобнинг ички туйғу, кўникмага айланган кўриниши.

Ахлоқ- жамиятда қабул қилинган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулқ-одоб нормалари мажмуи.

Маданият- жамиятнинг ва унда яшовчи фуқароларнинг фаолияти жараёнида тўпланган барча ижобий ютуғлар мажмуаси.

Маънавият- инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, руҳий, интеллектуал фазилатлар мажмуаси.

Манманлик- бу ўз камчилигини ва ўзгаларни тан олмаслик, ўзгалар фикри билан ҳисоблашмаслик, такаббурлик, худбинликдир.

Сифат- алоҳида бир шахснинг муайян бир хислатини ифодаловчи ахлоқий категориядир.

Фазилат- алоҳида шахс, эл-элат, ҳалқ, улусга таллуқли бўлган ижобий ахлоқий сифатлар мажмуи.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Педагогик жараённинг маънавий хис-туйғулари асосида амалга оширилиши деганда нимани тушунасиш.
2. Маънавий сифатлар ниалардан иборат?
3. Одоб. Хулқ-атвор деганда нимани тушунасиш?
4. Яхши хулқларга эга бўлган сифатларни аниқлаб беринг.
5. Ёмон хулқларга эга бўлган сифатлар тўғрисида тушунча беринг.
6. Ахлоқ. Маданият ва унинг турлари ҳақида тушунча беринг.
7. Шахсий гигиена нима?
8. Шарқ ва ўзбек маданияти тараққиётининг ўзига хос томонлари тўғрисида тушунча беринг.
9. Сифат, фазилат деганда нимани тушунасиш?

7 мавзу. ИЙМОН, ЭЪТИҚОД ВА ВИЖДОННИ ТАРБИЯЛАШ

(2 соат)

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР РЕЖАСИ

1. Ўзликни ва оламни англаш. Ҳақ ва ҳақиқатга ишониш.
2. Виждон инсоннинг энг олий маънавий инсоний сифати.
3. Таълим- тарбия жараёнида виждоний сифатларнинг устуворлиги.
4. Ўқитувчилик касбига ҳалол муносабатда бўлиш.
5. Буюк мутафаккирлар асарларида инсониятга, оламга виждоний муносабатлари.

ҲОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида . Т.1997й
2. А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ Т. Ўқитувчи 1992й 160 бет
3. Мунавваров А.К. Педагогика. Т. 1996й
4. Ғайбуллаев Н.Р. ва бошқалар. Педагогика Т.1999й
5. Каюмов А. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино Т. 1987й
6. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. Т. Фан. 1993й
7. Паҳловон Махмуд. Рубоийлар. Т. 1979й 88 бет.
8. Юсупов Э. Маънавият асослари. Т. 1998й

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Иймон- арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси ишончдир.

Эътиқод- бу ўз фикр ва қарашларига маҳкам, собитқадамлик билан ишониш ва ўзгаларни ҳам ўзидек ҳисоблаб, уларнинг лафзига самимият билан ишонишидир.

Виждон- бу кишининг кундалик фаолияти, қилмиши, феъл-атвори учун оила, жамият ва ватан олдида маънавий масъулият ҳис этишидир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Виждон эркинлиги деганда нимани тушунаси?
2. Ҳуқуқий тарбия нима?
3. Виждон азоби нима?
4. Тарбия ва таълим жараёнида виждоний муносабатлар нималардан иборат?
5. Олим, мутахассис виждони нималардан иборат?
6. Ўз касбига, мулкига, табиатга виждоний муносабати деганда нимани тушунаси?

8 мавзу. МУСТАКИЛ ФИКР ВА АҚЛ ТАРБИЯСИ, КАСБИЙ ФИКРЛАШ (2 соат)

МАЪРУЗАЛАР РЕЖАСИ

1. Инсон фикрининг зийнати.
2. Ижодий фикр.
3. Ақл тарбияси
4. Касбий фикрлашнинг афзалликлари.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.1997й
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ Т.1998й
3. Каримов И.А. Буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон 1998й
4. Абу Райҳон Беруний Рухият ва таълим тарбия ҳақида Т. 1992й
5. Маҳкамов У. Ахлоқ одоб сабоқлари. Т. 1994й
6. Мунавваров А.К. Педагогика. Т. 1996й
7. Ғайбуллаев Н.Р. ва бошқалар. Педагогика маърузалар матни Т.1999й

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Комил инсон- деганда биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳуққ атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз.

Ақлий тарбия- болаларнинг онги ва тафаккурини билимлар, онгли кўникмалар ҳамда малакалар билан бойитиш. Ақлий кучлар сезгилар, руҳий жараёнлар, иқтидорлар, билувчанлик, мақсадлари, дунёқараш ва фаолият озодлигини шакллантириш.

Инсон камолоти- бу инсоннинг кенг маънода ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланиш жараёнидир. Бу жараёнда тарбиянинг муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади.

Инсоннинг шаклланиши- бу инсоннинг ҳаёт йўли давомида ривожланишининг ўзига хос шакли бўлиб, махсус олиб бориладиган тарбиявий таъсир натижаси ҳисобланади.

Ахлоқ- ижтимоий онг шаклларида бири ҳисобланиб, ҳар бир кишининг жамият ва оиладаги юриш туриши, тартиб қоидаларининг йиғиндиси сифатида гавдаланади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. И.А.Каримовнинг Фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат гоёси янги фикрлашнинг маъноси ва моҳиятини тушунтириш.
2. Фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги ва софлиги деганда нимани тушунаси?
3. Ақлни тарбиялашда оила, бошлангич тарбия муассасалари, ўрта ва олий мактабларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

4. Ақлий бойлик деганда нимани тушунаси?
5. Интеллектуал сифатлар нималардан иборат?
6. Ақл тарбиясининг доимий динамик ривожинималардан иборат?

9 мавзу. МЕХНАТ, КАСБ ТАРБИЯСИ. ЭСТЕТИК ВА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ (2 соат)

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ РЕЖАСИ

1. Меҳнат ва касб тарбияси-жиддий ва масъулиятли ишдир.
2. Меҳнат тарбияси иқтисодий тарбия билан чамбарчас боғлиқ.
3. Эстетик тарбия ва унинг вазифалари, мазмуни ҳамда воситалари.
4. Экологик таълим ва тарбия-шу куннинг долзарб муаммоларидан бири.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Истиклол ва маданият Т. Ўзбекистон 1994й
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларини чуқурлаштириш йўлида Т. Ўзбекистон 1995й
3. Мунавваров А.К. Педагогика. Т. 1996й
4. Турсунов И. Нишоналиев У. Педагогика курси Т. 1997 й.
5. Ғайбуллаев Н.Р. ва бошқалар. Педагогика маърузалар матни Т.1999й
6. Ғайбуллаев Н.Р. Таълим тарбиянинг амалий йўналиши Т. Ўқитувчи 1986й
7. Мавлонов Р. ва бошқалар. Педагогика. Дарслик. Т. 2001 й

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Меҳнат- кишиларнинг қобилиятини амалга ошириш жараёнидир.

Тарбия- авлоддан-авлодга ижтимоий-тарихий тажрибаларни етказиш борасидаги фаолият; шахс шаклланишига узлуксиз, мақсадга мувофиқ, изчил таъсир этиш орқали мустақил ҳаракатга, ишлаб чиқариш, фойдали, унумли меҳнатга тайёрлаш.

Касб- муайян билим ва маҳорат талаб этадиган меҳнат фаолият тури. Унга умумий ёки махсус маълумотлар ҳамда амалий тажриба йўли билан эришилади.

Экологик тарбия- Ўқувчиларни экологик (атроф муҳит муҳофазаси) билимлари билан қуроллантириш, шунингдек табиатга нисбатан ахлоқий-эстетик, оқилона экологик хатти-ҳаракатлар кўникмаларини, экологик тафаккурини ҳамда экология учун фаол курашиш қобилиятларини шакллантириш.

Нафосат (эстетик) тарбияси- энг аввало ҳар бир кишида бадий ҳиссиёт туйғуларини, бадий дидни тарбиялашдир, яъни ҳиссиёт воситаси билан ақлни тарбиялашдир.

Иқтисодий тарбия- ўқувчиларнинг асосий иқтисодий тушунчалар билан таништириш жараёни бўлиб, уларнинг ишлаб чиқаришни тавсия этиш соҳасидаги оддий ҳаракатлар қилиш лозим бўлган ишлар кўникмаси, малакаси билан, иқтисодий тафаккурни ривожланиш билан қуроллантириш.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Меҳнат- инсон ҳаётининг зарурий шарт эканлигини тушунтиринг.
2. Таълим ва тарбияни шахсий фойдали меҳнат билан қўшиб олиб бориш деганда нимани тушунаси?
3. Иқтисод тарбияси ҳақида тушунча беринг.
4. Иқтисодий, эстетик, ҳуқуқий, экологик тарбиянинг уйғунлиги деганда нимани тушунаси?

5. Санъат, тарбия санъати ҳақида буюк мутафаккирлар фикрлари нималардан иборат?
6. Тарбия эстетикаси, ўқитувчилик касби эстетикаси деганда нимани тушунаси?
7. Жисмоний тарбия асослари нималардан иборат?

**10 мавзу. МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.
(2 соат)**

МАЪРУЗА РЕЖАСИ

1. Таълим жараёнининг моҳияти ва вазифалари.
2. Ўқитиш жараёнининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантириш функциялари.
3. Таълим жараёнининг тузилиши (босқичлари)
4. Таълим жараёнида ўқитувчи фаолиятининг хусусиятлари
5. Таълим ҳақида умумий қоидалар.
6. Таълим туърасидаги қонун.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.1997й
2. Мунавваров А.К. Педагогика. Т. 1996й
3. Турсунов И. Нишоналиев У. Педагогика курси Т. 1997 й.
4. Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т. Шарқ 1997й
5. Ильина Т.А. Педагогика. Учебное пособие. М. 1983г
6. Исмоилова З.К. Педагогикадан амалий машғулотлар. Т. Фан 2001й

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Дидактика- грекча сўз бўлиб, ўқитиш, ўргатиш маъноларини беради.

Таълим- инсон тажрибасининг маълум томонларини, яъни ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги талабларига мувофиқ даражада билим ва тарбияга эга бўлишларини таъминлайдиган фан техника, ахлоқ, маданият ва санъатни ўзлаштиришга қаратилган махсус уюштирилган фаолият (ўқитиш ва ўқиш) дир.

Таълимий мақсад- ўқув материалларининг мазмунини билиш яъни ушбу фанга тегишли илмий билимларни ўзлаштириш ва амалиётга тадбиқ қила олишдир.

Тарбиявий мақсад- фан асосларини ўзлаштириш орқали унинг мазмунида ётган ғоялар, дунёқарашлар таъсирида ўзининг шахсий сифатларини, имон-этиқодларини шакллантиришдир.

Ривожлантирувчи мақсад- таълим жараёни таъсирида шахснинг ақлий камолотини билиш қобилиятини, ўқишга, меҳнатга бўлган муносабатини ривожлантиришдан иборат.

Умумий таълим- бу ўқувчиларнинг ҳар томонлама умумий тайёргарлигини ва ривожланишини таъминловчи фан асосларини эгаллаб олишдир.

Касбий таълим- инсонни ўзи танлаган, нисбатан тор йўналишдаги меҳнат фаолиятиги хизмат қилади.

Политехник таълим- ўқувчиларни ҳозирги замон ишлаб чиқариш асослари, унинг энергетикаси ҳақидаги билимлар системаси билан қуроллантиришни таъминлайди, ҳамда инсон фаолиятининг турли соҳаларидаги иш операцияларини ўзлаштириб олиш учун база (асос) аҳамиятига эга бўлган бир қатор меҳнат кўникма ва малакаларини эгаллаб олишни назарда тутади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Дидактика- педагогиканинг таълим назарияси ва амалиёти асосларини ўргатувчи бўлими эканлигини асослаб беринг?

2. Дидактика тамоилларини ишлаб чиқишда буюк педагогларнинг хизматлари ва ғоялари нималардан иборат?
3. Таълим жараёнининг структураси ҳақида тушунча беринг.
4. Билим, тушунча, малака нима?
5. Давлат таълим стандартлари нима?
6. Таълим ва ихтисослик деганда нимани тушунаси?

11- мавзу: КАСБИЙ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ, ЎҚУВ РЕЖАЛАРИ, ДАСТУРИ, ДАРСЛИКЛАРИГА ТАЛАБЛАР (2 соат)

МАЪРУЗА РЕЖАСИ

1. Талим ҳақидаги умумий қоидалар.
2. Таълим тўғрисидаги қонун.
3. Ўқув режалари, дастурлари ва дарсликлари.
4. Олий ўқув юртларида таълим мазмунини ўзига хос хусусиятлари.
5. Таълим сифатлари.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. «Таълим тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1997. 1 октябр. «Маърифат» газетаси.
2. И.А.Каримов Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т.1997.
4. Ғайбуллаев Н.Р. ва бошқалар. Педагогика. Т. 2000.
5. Мунавваров А.К. Педагогика. Т. «Ўқитувчи» 1996.
6. Илина Т.А. Педагогика. Учебное пособие. М. 1985.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Ўқув режаси - муайян ўқув юртида ўрганиладиган ўқув предметлари(фанлари) айтиб ўтиладиган, уларни ўқув йиллари бўйича ўтиш изчиллиги ҳамда бир ўқув йилига ёки ҳар бир ҳафтага ажратиладиган соатлар сони кўрсатиладиган давлат ҳужжати ўқув режаси деб айтилади.

Ўқув предмети ўзига тегишли фан асосларини мужассамлаштирган бўлади.

Ўқув дастури таълим мазмуни, унинг талабалар ёки ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжат.

Дарслик ДТС, ўқув дастури, услубияти ва дидактик талабалари асосида белгиланган миллий истиқлол ғояси сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукамал ўзлаштиришга қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр.

Ўқув қўлланма дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян Фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштиришини таъминловчи айрим боб ва бўлимларни кенг тарзда ёритишга ёки машқ ва машғулотлар олиб боришга мўлжалланган нашр.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Таълим мазмунининг таълимни мақсади ва вазифаларига боғлиқлиги деганда нимани тушунаси?
2. Ўқув режалари ва дастурлари ҳақида тушунча беринг?
3. Миллий таълим модели нима?
4. Таълим стандартлари нима?

5. Таълим мазмунини қуришда амалиёт ва назариянинг узвийлигини таъминлаш деганда нимани тушунасиз?
6. Таълим мазмунига талабалар нималардан иборат?

12-мавзу: ТАЪЛИМ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ (2 соат)

МАЪРУЗА РЕЖАСИ

1. Таълим тамойилларининг моҳияти.
2. Таълим тамойилларининг ўзаро боғлиқлиги.
3. Таълим тамойиллари:
 - а) таълимнинг илмий бўлиши;
 - б) таълимда назариянинг амалиётнинг боғлиқ бўлиши;
 - в) таълимдаги онглилик ва фаол ҳаракатда бўлиши;
 - г) таълимнинг тарбияловчилик имкониятларидан фойдаланиш;
 - д) таълим жараёнининг кўрсатмали бўлиши;
 - е) билимларни пухта ва системали ўзлаштириб олиш;
 - ж) таълим жараёнида шахсий хусусиятларни ҳисобга олиш.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни. Т. 1998.
3. Ғозиев Э. Психология. Ўқув қўлланма. Т.1996.
4. Педагогика. Ўқув қўлланма. Т. 1996.
5. Педагогика. Курс лекции. М. 1984.
6. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. Т. 1996.
7. Мунавваров А.К. Педагогика. Т. «Ўқитувчи». 1996.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Таълим тамойиллари ўқув юртлариолдида турган улкан вазифалар асосида белгиланади. Улар ўзаро бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда бир тизимни ташкил этади. Ҳар бир дарсда дидактик тамойилларнинг бир нечаси иштирок этиши мумкин. Улар таълим олдида турган асосий мақсадларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшади. Талабаларга мустаҳкам билим бериш уларни эркин, мустақил фикрлай оладиган инсонлар қилиб тарбиялашда, таълим тамойилларининг моҳиятини чуқур англаш ва ҳаётга тадбиқ этиш муҳим муаммолардан биридир.

Таълимнинг илмий бўлиши ўқув юртларида бериладиган билим илмий характерга эга бўлиши Фан-техниканинг сўнгги ютуқ ва кашфиётларини ўзида ифода этиши лозим.

Ўқитишнинг илмийлик тамойиллари таълим жараёнида ўқувчи-талабаларнинг ҳозирги замон Фан-техника тараққиёти даражасидаги илмий билимлар билан қуроллантириш, айниқса талабаларни илмий-тадқиқот усуллари билан таништириб боришга қаратилган.

Таълимдаги онглилик ва фаоллик тамойили талабалардаги кўтаринки кайфият, кўпроқ билишга интилиш, мустақил фикрлаш ва хулосалар чиқаришга ундайди.

Ўқитиб, тарбия бериш деганда таълим ва тарбиянинг бир-бирдан ажралмаслигини тушунамиз.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Илмий тарбиянинг асоси деганда нимани тушунасиз?
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги таълим тамойиллари нималардан иборат?
3. Таълим ва касб деганда нимани тушунасиз?
4. Маориф ва жамият деганда нимани тушунасиз?
5. Таълим тамойилларини англаш ва ҳаётга тадбиқ этишдаги муаммолар нималардан иборат?

13-мавзу: ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ (2 соат) АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР РЕЖАСИ

1. Таълим бериш маъсулиятли ва фахрли иш.
2. Таълим - шахс ривожланишининг асосий омили.
3. Таълим методлари.
4. Таълим воситалари.
5. Таълим ва тарбиянинг узвийлиги.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни. Т. 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т.1997.
4. Мунавваров А.К. Педагогика. Т. «Ўқитувчи». 1996.
5. Педагогика. Ўқув қўлланма. Т. 1996.
6. Педагогика. Курс лекции. М. 1984.
7. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. Т. 1996.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Метод юнонча атама бўлиб, айнан нимагадир йўл деган маънони англатади, яъни мақсадга эришиш йўлини билдиради.

Таълим методлари болаларнинг билимларини, кўникмалар ва малакаларини ўзлаштиришни, умумий маълумот ҳамда умумий таълимни асосий воситаларини эгаллаш учун ақлий кучлари, қобилиятларини ривожлантиришни таъминлайдиган, педагог билан ўқувчининг ўқув ўрганиш жараёнидаги ўзаро таъсирларининг махсус усуллари дидир.

Иллюстрация методи плакат, харита, доскадаги расм, олимларнинг портретлари, суратлар ва бошқаларни кўрсатишни кўзда тутди.

Намойиш қилиш методи асбоблар, тажрибалар, техник қурилмалар, турли типдаги препаратларни намойиш қилиш билан боғлиқ. Намойиш қилиш методига боғлиқ кинофильмлар ва диафильмлар ҳам киради.

Таълимнинг амалий методлари ёзма машқлар она тили ва чет тили, математика ва бошқа фанлар бўйича топшириқларни бажариш машқлари киради. Шунингдек, лаборатория тажрибалари, устахоналарда, ўқув-ишлаб чиқариш цехлари, ўқув тажриба участкаларида меҳнат топшириқларини бажаришлари ҳам таълимнинг амалий методидир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Таълим методи нима?
2. Таълим воситларини тушунтириб беринг.
3. Дидактик ўйинлар методини тушунтиринг.
4. Дастурлаштирилган таълим методи нима?
5. Таълимда таълим воситалари, компьютерлардан фойдаланишнинг ўзига хос томонларини тушунтиринг.

14-мавзу: ТАЪЛИМНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ (2 соат)

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР РЕЖАСИ

1. Таълим тарбия ташкилий шаклланишининг мазмуни ва моҳияти.
2. Мактабларда таълим шакллари.
3. Олий мактабларда таълим шакллари.
4. Буюк мутафаккир педагоглар таълимнинг ташкилий шакллари ҳақида.
5. Ишлаб чиқариш машғулотлари.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. 1998.
2. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. Т.2000.
3. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. Т. 1996.
4. Мунавваров А.К. Педагогика. Т. «Ўқитувчи». 1996.
5. Ёдгоров Р. Маърузанинг таълимий ва тарбиявий имкониятлари. «Таълим ва тарбия» журнали. 1997. № 1-2.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Дарс маълум мақсад асосида белгиланган вақтда, алоҳида хонада, бир хил ёшдаги, ўқувчилар, ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган таълим жараёнидир.

Синф деганда ёши ва билим даражаси бир хил бўлган ўқувчилар гуруҳи тушунилади.

Факультатив машғулотлар бирор фанни чуқурроқ ўрганиш учун ёки бирор янги соҳани ўрганиш учун ўтиладиган қўшимча дарс машғулотидир.

Дарсларнинг қуйидаги хиллари мавжуд янги билимларни ўзлаштириш дарслари, янги билимларни мустаҳкамлаш машқ дарслари, назорат-текшириш дарслари, аралаш дарслар ва муаммоли дарслар.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Таълимнинг асосий ташкилий шакли нима?
2. Синф дарс тизимининг ютуқ ва камчиликлари нималардан иборат?
3. Анаънавий дарс босқичларини айтиб беринг?
4. Ижодий ҳамкорлик дарслари деганда нимани тушунаси?

15-мавзу: ТАЪЛИМ СИФАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ (2 соат)

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР РЕЖАСИ

1. Ёшларнинг таълим-тарбия жараёнида маънавий-интеллектуал рағбатлантиришнинг мақсад ва вазифалари.
2. Маънавий-интеллектуал шаклланиш сифатларини замонавий усулларда аниқлашнинг самарадорлиги.
3. Назорат турлари, рейтинг, тест усуллари ва тест турлари.
4. Олий ўқув юртларида рағбатлантиришнинг ўзига хос усуллари.
5. Таълим сифатини аниқлашда замонавий техника воситаларининг ўрни.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон келадаги буюк давлат» Т. 1997.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» Т. 1994.
3. Каримов И.А. «Истиқлол ва маънавият» Т. 1997.
4. Ғайбуллаев Н.Р. Таълим тарбиянинг амалий йўналиши. Т. 1996.
5. Мунавваров А.К. Педагогика. Т. «Ўқитувчи» 1996.
6. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. Т. 1996.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Рейтинг деганда баҳолаш, тартибга келтириш, тавсифлаш, бирорта ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш тушунилади.

Шкалалаш аниқ жараёнларни рақамлар системаси ёрдамида моделлаштириш.

Янги ахборот технологияси ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситалари асосида ахборотларни тўплаш, сақлаш ва керакли манбаларга узатишнинг замонавий усулларидир.

Тест деганда аниқ вазифани такомиллашганлиги даражасини аниқлашда сифат ва миқдорий ўлчамларда белгилаш имконини берадиган фаолликнинг бирор шаклини кизиқтирувчи, бирор аниқ топшириқ шаклидаги синов қуроли тушунилади.

Тестнинг афзаллигини қуйидагича белгилаш мумкин: назорат учун кам вақт сарфланади, кўп сонли талабалар билан бир вақтнинг ўзида назорат олиб бориш мумкин, билим натижалари ўқитувчи томонидан тезкорлик билан текширилади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Тарбиявий жараён нима?
2. Ёшларнинг маънавий-интеллектуал шаклланиш сифатлари нималардан иборат?
3. Таобия мазмуни ва усуллари ҳақида тушунча беринг.
4. Дастурлаштирилган топшириқ усуллари нима?
5. Олий ўқув юртларида маънавий-интеллектуал сифатларни ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

16- мавзу: ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИКА АСОСЛАРИ (2 соат)

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР РЕЖАСИ

1. Жамоа ҳақида тушунча. Жамоа-тарбия объекти сифатида.
2. Шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашлари.
3. Жамоодаги педагогик муносабатлар.
4. Жамоа турлари.
5. Жамоани ривожлантириш босқичлари.
6. Оиланинг муқаддаслиги.
7. Оилада одоб, хулқ ва гигиеник тарбия.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 1992.
2. Каримов И.А. Баркамол-авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.Шарқ.1999.
4. Каримов И.А. Буюк келажак сари. Т. 1998.
5. 1998 йил-«Оила йили» деб эълон қилинишига доир ҳужжатлар.
6. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси.қўлланма.Т.1994.
7. Ёдгоров Р. Оила тарбиясида отанинг ўрни. ТошДУ тўплами. 1996.
8. Узоқов Ҳ., қозиев Э., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. қўлланма. Т.1992.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Жамоа инсонпарварлик ва жавобгарлик маъсулиятларига боғлиқлиги билан характерланадиган муносабатлар ҳамда ҳамкорликдаги ижтимоий, ижобий фаолиятга асосланган, кишиларнинг тавсия этилган умумийлиги, жамоасидир.

Халқ педагогикаси авлоддан-авлодга оғзаки ижод намуналарида ўтиб келаётган тарихий иқтисодий ижтимоий муҳит таъсирида тўплаган, тўпланаётган ва ҳаёт тажрибасида жуда кўп синалган педагогик қарашлар, билим, кўникма, малакалар келтириб чиқарган тарбиянинг усул, услуб ва услубиятларидир.

Оила вояга етган икки жинсининг севиш ардоқлаш, ҳурмат қилиш асосида ихтиёрий равишда қалб хоҳиши билан тузилган қонуний иттифоқидир.

Оила мақсади икки жинсни ўзаро келишуви асосида фарзандни дунёга келтириш ҳамда табиат ва жамиятнинг давомийлигини таъминлаш.

Оила вазифаси эр-хотиннинг биргаликда хўжалик юритиш асосида оилани ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, жамиятга соғлом, аққли, ҳар томонлама фарзанд тарбиялаш.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Талабалар жамоасини ривожлантириш босқичларини нималардан иборат?
2. Параллел таъсир методикаси нима?
3. Жамоада ўз-ўзини бошқариш, унинг фаоллари деганда нимани тушунаси?
4. Оила жамиятнинг кичик ячейкаси деганда нимани тушунаси?
5. Ота-она ўрнаги нималардан иборат?
6. Атроф муҳитнинг таъсири нималардан иборат?
7. Мустақил ҳаёт нима?

17 мавзу. БОШҚАРУВ ПЕДАГОГИКАСИ АСОСЛАРИ (2 соат)

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР РЕЖАСИ

1. Бошқарув ҳақида умумий тушунча
2. Бошқаришда демократиялаштириш
3. Таълим тарбия жараёнини бошқаришнинг асосий йуналишлари.
4. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва оммолаштириш тизими.
5. Педагогик кадрларнинг малакаларини ошириш ва аттестация қилиш тизими.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.1997й
2. Мунавваров А.К. Педагогика. Т. 1996й
3. Каримов И.А. Буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон 1996й
4. Фролов А. Ёш директор мактаби. Т. 1992й
5. Баранов С ва бошқалар Педагогика. Т 1990й

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Бошқариш функцияси- бошқаришнинг ихтиёрий фаолиятида бошқариш мазмун-моҳиятини ифодаловчи, асосланган математик ифода.

Бошқариш функциясини таълимдаги аҳамияти- ўқитувчи касбий фаолиятидаги раҳбарликни кучайтиради.

Дедукция- умумий тасдиқлардан хусусий тасдиқларга ўтиш.

Индукция- лотинчада induction- тўғрилаш, тартибга келтириш- хусусий фикрлардан умумий хулосалар чиқаришнинг тадқиқот усули.

Мустақил таълим- олинган билим ва кўникмаларни, малакаларни мустаҳкамлаш, кўшимча маълумот ёки материал мустақил ўрганиш мақсадида эга бўлган ўқув шакли.

Дастурлаштирилган таълим- ўқув жараёнини муайян тартиб асосида ташкил этиш..

Малака- ходимнинг касбий тайёргарлиги даражаси, ундаги маълум ишни бажариш учун зарур булган билим, кўникма ва малакаларнинг мавжудлиги.

Кўникма- инсоннинг илгариги тажрибалари асосида муайян фаолият ёки ҳаракатини амалга ошириш қобилияти.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Таълим тизимини бошқаришда ЎР ВМ ваколатлари нималардан иборат.
2. Таълим-тарбия муассасаларининг фаолиятларини бошқариш деганда нимани тушунасиш?
3. Мактабдаги ўқитиш жараёнига ҳозирда қандай ўзгаришлар киритилди?
4. Мактабдаги ички режалаштириш масалаларининг моҳияти нимадан иборат.
5. Ёш авлодни ҳар томонлама етуқ, ақлли, билимли бўлиб етишиши учун қандай ишларни амалга ошириш керак?
6. Хорижий давлатларда ҳалқ таълими тизими қандай?

18 мавзу: ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ (2 соат)

МАЪРУЗАЛАР РЕЖАСИ

1. Жамиятда ўқитувчи фаолиятининг ўрни ва зарурлиги.
2. Педагогик маҳоратнинг зарурияти ва моҳияти.
3. Ўқитувчи шахсига нисбатан касбий ва иқтисодий талаблар.
4. Педагогик маҳоратни шакллантириш омиллари.
5. Педагогик маҳоратнинг ўзига хос хусусиятлари.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон 1996й.
2. Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидоийлик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т. 1999й
3. Каримов И.А. Истиқлол йўли. Муаммолар ва режалар Т. Ўзбекистон 1992й.
4. Давлетшин М.Т. Ўқувчилар қобилиятини таркиб топтириш Т. 1996й
5. Насриддинов Б. Педагогик маҳоратга янгича муносабат. Ҳалқ таълими. № 8-9 1992й
6. Зязюн И.А. Педагогик маҳорат асослари. М. 1989й

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Фаолият- атрофдаги оламга нисбатан инсоннинг ўзига хос фаол муносабати шакли.

Истиқбол- таъсир кўрсатишнинг жуда таъсирчан усули бўлиб, у болаларнинг хатти ҳаракатларини улар олдиға мароқли мақсадлар қўйиш йўлини таъминлайди, бу мақсадлар уларнинг шахсий интилишлари; қизиқиш ва муддаоларига айланади.

Рағбатлантириш ва жазолаш- тарбиянинг энг анъанавий усули бўлиб, болалар хулқ атвориға тузатиш киритишни, яъни фойдали хатти ҳаракатларни қўшимча рағбатлантиришни ва тарбияланувчиларнинг номақбул хатти ҳаракатларини тўхтатишни таъминлайди, бунда уларнинг ҳуқуқ бурчларини кенгайтириш ёки чеклаш уларға ахлоқий таъсир кўрсатиш йўлидан фойдаланилади.

Жамоатчилик фикри- таъсир кўрсатишнинг қудратли усули бўлиб, болаларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини ғоят ҳар томонлама ва мунтазам рағбатлантириб боришни таъминлайди, жамоанинг тарбиявий вазифаларини анча тўлиқ амалға оширади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Педагогик маҳорат нима?
2. Педагогик маҳоратни оширишда билим ва маълумотларнинг мазмуни нималардан иборат?
3. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари нималардан иборат?
4. Ижтимоий педагогик маҳорат деганда нимани тушунасиш?
5. Педагогик маҳоратнинг такомиллаштириш принципларига изоҳ беринг.

19 мавзу. ПЕДАГОГИК ҒОЯЛАР ТАРИХИ ВА ТАЪЛИМ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ. (2 соат)

МАЪРУЗАЛАР РЕЖАСИ

1. Тарбиянинг илк шакллари.
2. Педагогик ғоялар ривож.
3. Таълим тарбиянинг замонавий концепцияси.
4. қуръони Каримда комил инсон тарбияси.
5. Тарбияда инсонпарварлик.
- 6.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Таълим туғрисидаги қонуни. 1997й
2. Каримов И.А. Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. Ўзбекистон 2000й
3. Турсунов И. Нишоналиев У. Педагогика курси Т. 1992 й.
4. Ўзбек педагогикаси аноматияси. Т. 1998й
5. Педагогика тарихидан хрестоматия. Тузувчи. Хасанбоев О.Т. 1992й
6. Ал Бухорий. Хадислар. 4 жилд. Т. қомуслар бош тахририяти. 1997й.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Тарбия- авлоддан-авлодга ижтимоий-тарихий тажрибаларни етказиш борасидаги фаолият, шахс шаклланишига узлуксиз, мақсадга мувофиқ, изчил таъсир этиш орқали мустақил ҳаракатга, ишлаб чиқариш, фойдали, унумли меҳнатга тайёрлаш.

Тарбиянинг объектив қонуниятлари- ўқув тарбиявий жараёни ташкил этиш ва ижтимоий ҳаётнинг шахсини ўзига хослиги ҳамда сифатларини шакллантиришдек талабларидаги турғун бўлган аънаналардир.

Тарбиянинг асосий қонунлари- ўсиб бораётган ёш авлодни катта ёшдагилар ижтимоий тажрибасининг эгаси қилиш учун уларнинг ижтимоий ҳаётга қўшилишини таъминлаб бериш учун амалга ошириладиган зарурий ва мажбурий фаолиятдир.

Тарбиянинг мақсади- жамиятнинг алоҳида бир олинган шахсга бўлган эҳтиёжларини акс эттириш, унинг моҳияти, идеал талабларини, ўзига хослиги ва фазилатларини, ҳаётга муносабатининг ақлий, жисмоний, ахлокий ва эстетик ривожланишини назарий ва амалий умумлаштиришдир.

Педагогик жараён- маълум бир мақсадга йўналтирилган, катталарнинг педагогик фаолияти таъсирида ташкилий шакллантирилган ва мазмунан бойитилган ҳамда тарбиянинг йўналтирувчи ва олиб борувчи раҳбарлик роли натижасида боланинг ўз-ўзини тараққий эттиришдир.

Тарбиявий муҳит - инсон шахсини шакллантирувчи табиат, ижтимоий муносабатларнинг тизими, ижтимоий тафаккур, турмуш ва шахслараро муносабатларнинг доираси каби омилларни бир-бирини бойитиш ва мувофиқ келишидир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. «Авесто»даги педагогик қарашлар нималардан иборат?
2. Антик Дунё педагогикаси нима?
3. қадимги Хиндистон ва Марказий Осиё педагогикасида саҳийлик, софдиллик, инсон қалби тушунчаси ҳақида нималар деган?
4. қуръони Каримда комил инсон тарбияси ҳақида нималар битилган.
5. Собиқ совет даври педагогикаси маъмурий буйруқбозлик тизимининг салбий таъсири нималардан иборат.